



Ануштегиний Хоразмшоҳлар давлати (1097-1231) нафакат Хоразм, балки Дашти Кипчокнинг жануби, Шаркий Туркистон, Ўрта Осиё, Якин ва Ўрта Шарк давлатларини бирлаштирган буюк салтанат бўлган.

Хоразмшоҳ Такиш кипчоклар билан иттифокка кириб, уларни ўзига огдириш ниятида кипчок хони Жонкишининг кизи Туркон Хотунга уйланади. Баёт уругидан бўлган Туркон Хотун Хоразмга турк кабилалари (уранийлар, карлуклар, угроклар, халаж кабилалари)ни олиб келади ва уларнинг қудратли хомийсига айланади.

Хижрий 596 йил 20 шаввол (1200 йил 3 август)да Гурганж ахолиси, давлат аъёнлари ва амирлари иштирокида Хоразмшоҳлар давлати тахтига Такиш ва Туркон Хотун ўгли Кутбиддин Мухаммад ўтирди ва у отасининг Алоуддин лакабини қабул қилди. Кейинрок эса Санжар иккинчи номини олди.

Ан-Насавий Туркон Хотун хақида қуйидагича тавсиф қолдирган: «Юкорида айтиб ўтилган Туркон Хотун Байавут тоифасидан бўлиб, йемак уругининг шохобчасидандир. Қачонки, унинг мавқеи мустаҳкамлангандан сўнг «Худованди Жаҳон», яъни бутун дунё ҳукмдори лакабини олган эди. У туркий ҳукмдорлардан Жонкишининг кизи бўлиб, Эл-Арслоннинг ўгли Такиш унга уйланади. Такиш ўлгандан сўнг давлат тепасига келган ўгли Алоуддин Мухаммад Хоразмшоҳ даврида онаси Туркон Хотуннинг обриси кўтарилиб, давлат ишларини ҳам бошқарган».

Хатго Хоразмшоҳ Мухаммад мастлигида онаси Туркон Хотуннинг хиёнати туфайли шайх Нажмиддин Кубронинг шогирди шайх Мажидиддин Бағдодийни катл қилиш хақида фармон ҳам беради. Бағдодийнинг катл қилдирилиши дин уламоларини Мухаммаддан ихлосини қайтарган эди. Туркон Хотуннинг бундай нодонлиги Хоразмшоҳлар давлатига сонсиз кулфатлар келтирди.

Насавийнинг гувоҳлик беришича, маккор Туркон Хотун ўғлига шу даража ўз таъсирини ўтказганки, натижада Хоразмшоҳ Мухаммад мамлакат ичкарасидагина эмас, балки халқаро майдонда ҳам Хоразмнинг ягона ҳукмдори сифатидаги ролини бой берди. Бундан ташқари, катта қудратга эга бўлган саркардаларининг қўпчилиги кипчоклардан бўлгани боис, ҳукмдор онасига ён беришга мажбур эди.

Ан-Насавий бундай ёзади: «Агар маликадан ва султондан бир иш хақида иккита қўрсатма келса, у холда уларнинг санасига қарар эдилар ва барча мамлакатларда кейинги санага амал қилардилар...»

Туркон Хотун «Жахон хокими» лакабига ҳам эга эди, унинг фармонларидаги шахсий мухри — тугрисида: «Исмат уд-дунё вад-дин Улуг Туркон малика нисо ал-олабийн» (Дунё ва унинг покдомони, Улуг Туркон, олам аёлларининг маликаси) деб битилган эди. У «Иътасамту биллахи» («Факат Аллохдан химоя кутаман») дейилган сўзларни бош шиор килиб олган. У ўз шиорини ўгли шиорининг ёнига кўяр эди.

Хоразмшоҳлар давлатида мўгуллар босқини арафасида бир мамлакатда иккита пайтахт — Гурганж ва Самарканд, иккита ҳукмдор — Туркон Хотун ва Хоразмшоҳ Алоуддин Мухаммад бор эди.

Гурганж шаҳрида Туркон Хотуннинг қариндошларидан султоннинг туркий кўшинига тегишли нуфузли аъёнларгина (бошлик ўрнида) эдилар, жумладан, Хумор Агу — хожиб сипохсолор (лашкарбоши), Бука Пахлавон, Али Маргини ва бошқалар.

Хоразмшоҳ 1216 йилда онасининг шайхини катл қилдирганди. Она-ўғил рақобати давлатни ич-ичидан нуратмоқда эди. Султоннинг халифа номини хутбада зикр этмаслик тўғрисидаги фармонига факат Марв, Балх, Бухоро ва Сарахсда амал қилинар, Самарканд, Хирот ва Хоразмда эса аксинча эди. Махаллий анъаналарнинг кучли эканлиги, Туркон Хотуннинг ва унинг таъсири остидаги хонлар ва уламоларнинг Султон Мухаммад ҳукмронлиги даврида давлатчиликда ўзига хос икки хокимиятчиликнинг юзага келишида салжукийларнинг бош вазири машхур Низомул-мулк (1018-1092) ишора этганидек, «Қачонки подшоҳлик иши аёллар ва гўдақлар кўлига ўтса, билгинки, подшоҳлик ўша хонадонни тарк этгай».

Хуллас, амирлар, ҳарбийлар иложи борица ўз мавқеларини қандай бўлмасин мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилганлар.

Хоразм пойтахтини қамал этган Чингизхон лаш-карлари турли найранглар билан шохнинг онаси Туркон Хотунни таслим бўлишини талаб қилишган. Урганждаги кўшин ва аҳолиси мудофаа кучига эга бўлса-да, Туркон Хотун Ватанни душманга ташлаб қочган ўғли Мухаммаддан кейин ваҳимага тушади.

Самарканд таслим бўлгандан сўнг, Чингизхон Хоразмшоҳнинг кўшин тўплаб, қаршилиқ кўрсатишига йўл бермаслик ва ўзини кўлга тушириш мақсадида, саркардалари Жебе нўён ва Субэдей нўённи тахминан 20 минглик кўшин билан Султон кетидан жўнатди. Мўгулларнинг таъқибига учраган Хоразмшоҳ Хуросон ва Эрон орқали ўтиб Каспий денгазидаги ороллардан бирига келиб қолади. Бор-будидан мосуво бўлиб, гам-алам остида оғир қасалликка чалинган Султон Алоуддин онаси Туркон Хотуннинг мўгулларга асир тушганини эшитиб валиаҳд тайинлаш борасида бурунги фармонини бекор қилиб, Жалолиддинни тахт вориси деб эълон қилган эди.

1220 йили Хоразм мўгуллар томонидан истило қилинган, Султон Алоуддин Хазар денгизидаги Абискин оролларида бирига қочишга мажбур бўлди. Шох хотинлари ва фарзандлари хазинадаги бойликлар ва бошқа қимматбаҳо буюмларини олиб шаҳарни тарк этади. Бераҳм малика эса шаҳарда қолган барча султонлар, хокимлар ва уларнинг ўғилларини, жами 26 кишини катл қилдирган, яъни Амударёга чўқтирган. Бундай шармандалиқ Туркон Хотундан кўп тарафдорларини юз ўгиртирган. У факат ўз хизматкорлари, вазир Мухаммад Солих ҳамда йўл кўрсатувчи Умархон ҳамроҳлигида қочиб кетган.

Ношукр малика Илол шаҳри Мозандаронга етгач, йўлбошловчини ҳам катл қилдиради. Чингиз лашкарлари Туркон Хотун изидан бориб, Илол шаҳрини қамал қилиб, кўп ўтмай уни ҳам босиб олади. Малика Хоразмшоҳнинг бутун ҳарамини, болалари билан асирга тушади. Мўгуллар шох болаларини ўлдириб, ҳарам аёлларини хотин қилиб оладилар,

Туркон Хотун эса Чингизхон кароргохига жўнатилади. Туркон Хотуннинг асирликдаги ахволи жуда аянчли эди, у Чингизхоннинг дастурхонида колган саркити билан овкатланарди. Бир пайтлар хар кандай фармойиши дархол бажарилган маликаи жaxon Туркон Хотун 1233 йили хору зорликда вафот этади.

Севара САБУРОВА